

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ, ЯНГИ АСР МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

XXI асрдаги буюк Мақсадимиз

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 153 (9.497) 2000 йил 29 декабрь, жума Сотувда эркин нархда

ВАТАН тараққиёти ЮРТ тинчлиги ХАЛҚ фаровонлиги

— Козим Носирович, одатда Янги йил арафасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишга одатланиб қолганмиз. 2000 йил тошкентликлар учун қайси жиҳатлари билан эътиборли деб биласиз?

— Биз санаят, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларда, шунингдек таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда сезиларли натижаларга эришдик.

2000 йил республикамизда Соғлом авлод йили деб эълон қилинган эди. Ана шу йил дастурини изчил амалга ошириш учун соғлом ав-

кўчаси йўналишидаги иккинчи кўприк ва Чилонзор тумани ҳудудидаги Гаваҳар кўчасида барпо этилган замонавий кўприк шаҳар транспорт ҳаракати-га янада қулайлик яратди. Бу йил молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан умумий майдони 420,1 минг квадрат метр турар жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳоли маблаглари ҳамда банк кредитлари ҳисобидан эса жорий йил давомида 200 минг квадрат метр уй-жойлар қурилди. Шахсий уй-жойлар қурилиши учун 355 та ер участкалари ажратилди. 26,6 километр газ, 27,05 километр сув, 33,3 километр канализация ва 7,67

Янги йилнинг йирик лойиҳаларидан бири Япониянинг «Сумитомо корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Бектемир тумани ҳудудида «Махсус санаят ҳудуди»ни яратишдир. Германия ва Словакиянинг компаниялари билан ҳамкорликда «Ўзсмантана-Сантехника» заводи ташкил этилади. Бу қўшма корхона йилига 750 минг дона сантехник қурилмаларни ишлаб чиқаришни режалаштириб қўйган. Австриялик пойабзалчилар билан ҳамкорликда 2-пойабзал фабрикасида йилига 150 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими
Козим Тўлаганов билан суҳбат

лодни вояга етказишга қаратилган тизим вужудга келтирилмоқда. Утган йил давомида оила қуришни ният қилган деярли барча йигит ва қизларнинг тиббий патронаждан ўтказилиши йўлга қўйилди. Тошкентда «Она ва бола скрининги» республика тиббий маркази очилиб, фуқароларга хизмат кўрсата бошлади. Мирзо Улуғбек туманида умумий лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг «СОС-Ўзбекистон» болалар маҳалласининг биринчи навбати ишга туширилди.

Миллий кадрлар тайёрлаш бўйича Давлат дастури асосида Шайхонтоҳур туманида академик лицей, Собир Раҳимов туманида касб-хунар коллежларининг янги бинолари қуриб битказилди ва энг замонавий дастгоҳлар, ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Умуман, бугунга келиб, шаҳарда 48 та лицей ва коллеж фаолият кўрсатмоқда.

километр узунликда иссиқлик қувурлари ўтказилди.

Пойтахт иқтисодийтига хорижий сармоядорларни жалб этиш борасида қатор инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Бу уринда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида ташкил этилган, халқ ҳўжалигига жуда зарур нometалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Германия «Хобас-Тапо» қўшма корхонаси, Буюк Британия билан совуқ ва иссиқ сув ишлатилишини ҳисобга олиш жиҳозларини, Германия билан сув ва газ қувурлари ҳамда дераза ромларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналар ҳамда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кор-Фарм-Санаят» корхонаси ва бошқа қўшма корхоналар, аминманки шаҳар иқтисодийти янада юксалтиришга хизмат қилади. Шаҳар корхоналари 120 дан ортиқ хорижий давлат корхоналари билан экспорт-импорт алоқаларини амалга оширмоқда. Экспорт махсулотлари ва тегишли хизмат ҳажми 766 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 16,6 фоиз кўпдир.

Тошкент Давлат консерваторияси биноси, Ўзбекистон Баддий академиясининг «Бехзод» тасвирий кўرғазма мажмуаси, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи қурилиши каби қатор бунёдкорлик ишлари пойтахтимиз ҳуснига янада ҳусн бағишлаганига ишончим комил. Шунингдек, Ҳамза номи давлат академик драма театри биноси ҳам тубдан қайта таъмирланади. Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида олиб бораётган ободончилик ишларимиз яқунланади. Эски шаҳарда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Чорсу, Қадийев ва Фарҳод бозорлари қайта таъмирланади. Бундан ташқари 2001 йилда 2275 ўринли 2 та академик лицей ва 830 ўринли 10 та касб-хунар коллежлари фойдаланишга топширилади.

Урғи келганда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, XXI аср кишини тарбиялаш, камол топтириш энг муҳим, айтиш мумкинки асосий вазифамиздир. Ватанимизнинг, халқимиз тақдирининг тақдирини ана шу янги аср авлодининг иймон-этиқоиди, маънавияти, билими, катъияти ва иродасида бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳаёт биздан маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларимизни янада яхшилашни талаб этмоқда.

Бу масалада аҳоли ўртасида фақат тарғибот ва ташвиқот ишлари билан чегараланиб қолиш мутлақо етарли эмас. Фуқароларимизни, айниқса ёшларимизни маънавий баркамол, мустақам эътиқодли, жиҳмонан бақувват қилиб тарбиялаш учун ҳамма имкониятларимиз — ўқув юртилари, маданият муассасалари, спорт иншоотларидан жуда самарали фойдаланишимиз зарур.

Кучли давлатдан кучли фуқаролар жамиятига ўтиш йўлидан бораётган эканлиги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари бўлган маҳаллага эътиборини янада қучайтириш керак. Босқичма-босқич улارга тобора кўпроқ ваколатлар берилди. Шунинг учун туман ҳокимликлари маҳаллаларнинг жамиятимиздаги мавқеи ва масъулиятини ошириш чора-тадбирларини қўришлари лозим. Маҳаллаларнинг бозор иқтисодийтига ўтиш шароитида аҳолини кучли ва адолатли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари ва масъулиятлари ортиб боради. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, миллий истиқлол мафқураси ғояларини ёшларимиз орасида кенг ёйиш борасида махсудли тадбирларни амалга оширмоғимиз лозим.

Янги йил ва кўнчилиқ оринқиб кутаётган янги аср, янги минг йиллик кириб келаётганлиги билан барча тошкентликларни чин қалбдан табриқлайман!

Хонадонингиздан кут-барака ёрмисин, оилангизга ҳаммаша бахт-саодат ёр бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар!



Фарзандлар камоли — оналар бахти.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ ШОДИЁНАЛАРИ

БУГУН

шаҳримиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўзгача байрамона руҳ, кўтаринки кайфият ва кувноклик ҳукм сурди. Саройда болажонларнинг шўх-шодон кулгиларию қарсақлари тез-тез янграб турди.

Зеро, кун давомида уч марта — дастлаб пойтахтда жойлашган бешта Меҳрибонлик уйлари, сўнг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан ташриф бурган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ниҳоят Тошкент шаҳридаги кам таъминланган, кўп болачи оилаларнинг фарзандлари — жами уч миנגга яқин кичкин-тойлар Президент арчаси томошалари ва

совғаларидан баҳраманд бўлишди.

Болажонлар XXI аср орзу-умидлари ақс этган «Келажакка сабаҳат» дастурида асримиз вакили Асрбекнинг тўққизта сайёрага қизилари сафар уюштириб кўрри заминимизга ўзга сайёраликларнинг Янги йил табригини топшириш сарғушашлари ўрин олган қизилари байрам дастурини муриқиб томоша қилишди. Шунингдек, «Юлдузча», «Севинч» гуруҳлари, ёш эстрада юлдузларининг чиқишлари байрам тадбирига ўзгача ваъз бағишлади. Байрам томошаси давомида ўзларининг билимдон ва ўткир эҳқили эканликларини намойиш этган болажонларга ҳам совғалар топширилди.

ЭРТАГА

шаҳримизнинг Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза туманларида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болачи оилалар ҳамда 16 февраль воқеаларида ҳалок бўлган оилаларнинг фарзандлари, Бўстонлик, Ботент, Сарисийё ва Узун туманларида Ватанимиз сарҳадларини террорчи гуруҳлардан ҳимоя қилишда қатнашиб, ҳалок бўлган Ички ишлар хизмати ходимлари оилаларининг фарзандлари Президент арчаси тадбирининг аъзоли меҳмонлари бўлишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Мушоира

АССАЛОМ, САОДАТ АСРИ

Яссавийни ўқиб лол қолган гулман,
Нақибандий айтган ёр деган дилман,
У деб, бедор ўлдим, имдода келдим,
Кор деган қўлману, Олоҳқа қўлман,
Ассалом, ҳидоят асри.

Мухаббат тўфайли бунёда келдим,
У деб, бедор ўлдим, имдода келдим,
Ибодатга келдим, ҳам ёда келдим,
Ассалом, муҳаббат асри.

Осуда яшасин ҳар битта инсон,
Уруш нелисини билам қадрон,
Оқуш парвозига тўлсин осмон,
Ассалом, фароғат асри.

Мустақил ўзбекман энди кун кўрдим
Ёруғ кеча кўрдим, ёруғ туш кўрдим,
Икқилсам сунғич бир устун кўрдим,
Ассалом, адолат асри.

Ат Термийий — дедим, диллим очилди,
Оловлардан ўтган гулман очилди,
Йўлбошимч кун берди йўлим очилди,
Ассалом, саодат асри.

Ушунг баалоардан паногоҳ энди,
Юрак оғоҳ энди, кўз оғоҳ энди,
Бухорий ётган юрт саждагоҳ энди,
Ассалом, шафоат асри.

Зулфия МҮМИНОВА.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов номига хорижий давлатларнинг раҳбарларидан самимий дил сўзлари битилган кутловлар давом этди, **эртага** ҳам давом этади.
- Тошкентда Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ўзбекистонда демок-

кийимлари, ногиронлар аравачалари, дезинфекцияловчи воситалар ҳамда озик-овқат махсулотларидан иборат мурувват ёрдами жўнатилди.

- Республикаимизнинг бир гуруҳ ёш теннисчилари АҚШ сафаридан қайтиб келишди. Вакилларимиз океан ортида «Эдифер», «Принцжап», «Оранжбол» сингари усмирлар ўртасида энг нуфузли турнирларда муваффақият-ли иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

- Молдова Президенти М. Лучинский январь ойида парламентни тарқатиб юбориши ва 25 февралда эса янги парламент сайловлари мuddа-тини эълон қилажаклигини баён этди.
- Кеча Иркутскда Россия ва Хиндистон ўртасида тарихда энг йирик ҳисобланган ҳарбий-техникавий бит-тим имзоланди.
- Югославия Президенти В. Кош-туница Черногория раҳбари Мило Жуканович билан учрашди. Музока-рада Черногориянинг Югославия тар-қибдан ажралиб чиқиши билан боғ-лиқ масалалар муҳокама қилинди.
- Италиянинг Торре дель Греко шаҳрида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, «Кре-дито Пополаре» банки ва Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси ёрдамида Ўзбекистоннинг Римдаги элчихона-си ташкил қилган «Самарқанд мар-жонлари» кўрғазмаси очилди.
- Кеча Хитой ҳукумати Тайвань билан тўғридан тўғри транспорт ва савдо алоқасини тиклашга рози эканлигини билдирди.
- Утган кун АҚШда куёш тутил-ди. Бунинг Мавлудга байрамга тўғри келгани эса америкаликлар учун ку-тилмаган воқеа бўлди. Мутахассис-ларнинг таъкидлашича, куёш тути-лишининг Мавлудга тўғри келиши жуда ҳам кам кутилмаган воқеадир.
- Кеча Тель-Авив марказида йўловчи автобус портлади. Фалокат оқибатида 13 дан ортиқ киши тан жароҳати олди.
- Кеча Грузиянинг адлия вазир-лиги юқори мартабали хизматчилар-ни гиёҳванд моддалар истеъмолчи юзасидан тиббий тест синовидан ўтишти. Бундай тадбир сўнгги йил-ларда ушбу вазирлик хизматчилар-ининг бир нечтаси гиёҳванд мод-даларни сотиш ва истеъмол қилиш таҳмини билан қўлга тушганлиги ту-файли амалга оширилди.

2000 ЙИЛ СОЛНОМАСИ

Йилнинг энг муҳим воқеалари

ЯНВАРЬ

- Мамлакатимизда демократия тамойиллариغا биноан муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов бўлиб ўтди. Унда Ислам Каримов сайловчиларнинг 91,9 фоиз овозини олиб ёрқин галабага эришди.
- Тошкентда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши бўлди.
- Тошкент шаҳрида «Оммавий ахборот воситалари: бугун ва эртага» мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди.

ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон телевиденисининг «Ахборот» янгилликлар дастури коинот йўлдоши орқали Интернет тармоғига чиқди.
- Англияда Ўзбекистон фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

МАРТ

- Англиянинг Бирмингем шаҳрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Бирмингем – Тошкент – Деҳли ва Бирмингем – Тошкент – Амритсар янги халқаро йўналишларининг тақдими бўлиб ўтди.
- «Узпластитал» қўшма корхонаси «Энг яхши савдо маркази учун» Халқаро олтин соврини билан тақдирланди.
- Тошкентда халқаро бизнес-марказ очилди.

АПРЕЛЬ

- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Афина – Рим янги мунтазам йўналиши очилди».
- АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

МАЙ

- Тошкентда мустабид тузум қатағони қурбонлари хотирасига бағишлаб, бунёд этилган «Шахидлар хотираси» хотира мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Пойтахтда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари «Берн иттифоқи» экспорт-кредит агентликларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ИЮНЬ

- Тошкентда теннис бўйича аёллар қурбонлари хотирасига бағишлаб, бунёд этилган «Шахидлар хотираси» хотира мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Евро-Маркет-2000» нуфузли халқаро муқофоти билан тақдирланди.

МАРҲАБО,

ИЮЛЬ

- Бангладеш Республикасида Ўзбекистоннинг маданияти ва санъати фестивали бўлиб ўтди.
- Бельгияда Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари биродарлашганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилди.

АВГУСТ

- Тошкентда Соғлом авлод йилга бағишланган маҳаллалар ўртасида спартакиада бўлиб ўтди.
- Моделии пойабзаллари ишлаб чиқаришга иктишловчан Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси иш бошлади.

СЕНТЯБРЬ

- Чилонзор туманида замонавий алоқа ва компьютер техникалари билан жиҳозланган янги «Гулистон» блокпости ишга тушди.
- Тошкентда аёллар ва ногирон болаларнинг «Олтин ниҳол» хайрия кўргазмаси ўтказилди.
- Сиднейда ўтган XXVII ёғи олимпиадада ўйналаридан тўртта медалларни қўлга киритган ҳамюртларимиз 199 та мамлакат ичида фахрли 41-ўринни эгаллашди.

ОКТАБРЬ

- Фарғонада ўзбек халқ ҳаракатли уйинлари ва миллий спорт турларининг «II Алпомиш уйинлари» фестивали бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Япония маданияти кунлари» ўтказилди.
- Тошкентда «Хамса-2000» халқаро фольклор модал фестивали бўлиб ўтди.

НОВАБРЬ

- Тошкент шаҳрида янги замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуаси очилди.
- Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистонда Япония таъки савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Шаҳримиздаги «Туркистон» саройида «Соғлом авлод юлдузлари» номли болалар фестивали бўлиб ўтди.

ДЕКАБРЬ

- Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси ихроия қўмитасининг XXI аср истиқболларини белгиловчи йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўртабўшимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида XXI асрнинг биринчи йиллиги мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди.
- Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Мушоира

Кел, марҳабо, Янги аср, бул жисми жон узра кел, Опоқ либос кийиб, ёруғ олам, жаҳон узра кел! Поё қадиминг келиб кутлуғ, шодон бўлсан ҳар юрак, Бахти кулган, оромимжон, Ўзбекистон узра кел!

Унди ийди маҳ Рамазон, Лайлат-ул Қадр туши, Аҳли иймон ва покломон, жаннат макон узра кел! Бошландики, Шоввал ойи, сен Янги кун, тарихсан, Хидоят-ла, энг муқаддас Оят, Қуръон узра кел!

Умидимиз сендан шуки, жабру ситам кўрмасин юрт, Нози неъмат мўл, фаровон, бой дастурхон узра кел! Олам аҳли яшасин тишч, ҳамжисҳатлик, фароғатда, Қайда бўлса, боши омон, нури ошён узра кел!

Адолату Ҳалолликнинг офтоби сочин юр, Мехру вафо сузишанга илму урфон узра кел! Кўз тегмасин Ўзбекистон, хуру нилмон элимга, Сенга жонлар минг тасаддуқ солаҳ Раҳмон узра кел! Искандар РАҲМОН.

лардан, қўшни республикалардан келаётган меҳмонларни, балки дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буораётган хорижликларни ҳам мафтун этмоқда, хайратга солмоқда.

Олис Америкадан ёки Германиядан, Мисрдан ёки Англиядан, Франция ёки Япониядан келган меҳмонларнинг хайратланиши бежиз эмас. Улар аввало ўз юртининг энг кўркем шаҳарларида кўрмаган, учратмаган гўзал ва ноёб манзараларни, янги биноларни кўриб ярайди, кўрганларини эса бир-бири билан таққослайди. Илк бор келишдаёқ, дастлабки кўришдаёқ гўзаллашиб чиroy очётган Тошкентнинг мафтунли, муҳлишига ошиқадилар, Тошкент қалбан, руҳан мафтун бўлса арзийдиган шаҳар.

Тошкент – қайта-қайта зиёрат қилса, тавоф этса арзийдиган маскан, улуг авлиёлар, олиму фозиллар юрти.

Тошкент – ҳамisha кут-баракат аримайдиган баракали замин.

Тошкент – кўлдан-кўп миллату элатларни бағрига жо этган буюк дўстлик, яъни дўстларнинг меҳр-оқибат уйи. Бу кенг ва ёруғ уйнинг тўрида ҳамisha дўстлар ўтирган. Бундан сўнг ҳам худди шундай бўлиб қолади.

Чунки дўстлари учун бағрикенг, дастурхони очиб бундай шаҳарни ер юзидан топиш қийин...



Миллат Пойтахти

XXI аср бўсағасидаги Тошкентга термулиб тўймайсиз

Эссе

Ёзувчи ўйлари

лиси бўлиб қолади, шаҳарнинг шайдосига айланади.

Ҳар бир меҳмон юрагига Тошкент манзараларини чиғади. Тошкент унинг юрагидан ўзига мустаҳкам манзил топади. Ва ниҳоят, шаҳар – юракка, юрак – шаҳарга айланади. Ҳар кимнинг юрагига ўз Тошкенти пайдо бўлади. Тошкент руҳи муҳрланган самимий юраклар эса дунёни тўлдириверади, тўлдириверади... Ташна юракларини Тошкент жозибаси ўзига тортаверади, тортаверади... Қўшиқда айтаганидек, Тошкентдан дон еган чўмчўк хатто Маккадан қайтиб келаркан.

Тошкентнинг оҳанграбоси зўр, меҳр-муҳаббати қучли. Бу меҳрга болганганлар, бу меҳрга асир бўлганлар ҳеч қачон Тошкентдан олислаб ё узилиб кетолмайди. Тошкент зиё шаҳри, маънавият ва маърифат маскани. Миллат гуллари бўлган зиёлиларнинг бир неча авлодларини воғна этказган таваққур бешиги. Тошкентда мудом илм булоқлари қайнаб туради, оламшумул кашфиётлар рўй беради. Буларнинг ҳаммаси миллат, юрт раънақи учун хизмат қилади. Тошкент бутун мамлакатимизнинг турли бурчақларидан, олис-олиқ қишлоқларидан келаётган катта-кичик талантлар, турли соҳа истеъодот соҳибларининг бошини силаб гўё ўз онасидай ардоқлади, элга танитади. Пойтахт сифатида уларни камолотга етказди, иссиқ бағрига олади. Бу турфа талантлар Тошкентда гавҳарга айланади, дур бўлиб нур сочади.

Тошкент XX аср ўзбек миллий адабиёти ва санъатининг буюк намонадларини камолотга етказган, дунёга танитган муқаддас бешиқидир.

Париж Франция, Лондон Англия, Рим Италиянинг жаҳон тараққиёти босқинига чиқиб жараёнда қанчалар муҳим вазифани бажарган бўлса, Тошкент ҳам Ўзбекистон ривожини учун шунчалик улуг вазифини шараф билан адо этиб келяпти.

Тошкент XX асрда нафақат Ўзбекистон, балки Урта Осиёга юксак маърифат берди, зиё таратди, қардош халқлар ўртасида аҳил-иноқлик туйғусини янада мустаҳкамлади.

Тарихий маълумотлардан маълумки, дунёга танилган кўпгина қардош халқларнинг истеъодот эгалари дастлаб Тошкентда таълим олган. Шаҳарни бежиз «Шарқ дарвозаси» деб таърифлашмайди. Энди у нафақат Шарқнинг, балки дунёнинг энг нуфузли, обрў-эътиборли шаҳарларидан бирига айланиб бораётганидан қувонамиз. Тошкентда бўлаётган турфа халқаро анжуманлардан мамнун бўламиз, гуруримиз ўсади. Бундай жаҳоний мулоқотлар миллат дунёқараши ўсишига, республика иқтисодий-ижтимоий ривожига самарали таъсир этиш билан бирга, энг яхши халқ анъаналарини, миллий ва тарихий меросининг жаҳонга аёнлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. «Юз марта эшитилган, бир марта кўрган афзал» деб шунга айтсалар керак.

Ҳа, Тошкентни бир бор келиб кўрганлар умрбод шаҳарнинг ошиқ, мафтунли бўлиб қоладилар. Ва уни тез-тез зиёрат

қилишга ошиқадилар, Тошкент қалбан, руҳан мафтун бўлса арзийдиган шаҳар.

Тошкент – қайта-қайта зиёрат қилса, тавоф этса арзийдиган маскан, улуг авлиёлар, олиму фозиллар юрти.

Тошкент – ҳамisha кут-баракат аримайдиган баракали замин.

Тошкент – кўлдан-кўп миллату элатларни бағрига жо этган буюк дўстлик, яъни дўстларнинг меҳр-оқибат уйи. Бу кенг ва ёруғ уйнинг тўрида ҳамisha дўстлар ўтирган. Бундан сўнг ҳам худди шундай бўлиб қолади.

Чунки дўстлари учун бағрикенг, дастурхони очиб бундай шаҳарни ер юзидан топиш қийин...

йўллари, кўприклар, бозорлар...

Президентимиз ибораси билан айтганда: «Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи муқаррар!»

Бу фахр, бу гурур ўзимизни, ўзлгимизни билишга ундайди. Тошкентда қад ростлаётган ҳар бир бино аввало халқимизнинг гурур туйғусини тарбиялаётгани билан ҳам ниҳоятда қадрлидир.

Бугунги Тошкент кечаги Тошкентга асло ўхшамайди.

Бугунги Тошкент эртанги Тошкентнинг гўзал қиёфаси ва мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

Эртанги, яъни XXI асрдаги Тошкент эса келажақ авлодларнинг ифтихор бешиги бўлишига асло шубҳа йўқ.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов Тошкентни «Қўёш шаҳри» деб таърифлаб, шундай сатрларни битади:

Тошкентим, порисан пойтахтсан бу кун, Юксалди кўксингда не-не қасрлар. Сир эмас, бунчалик камолот учун Керак бўлар эди неча асрлар...

Таниқли олим Озод Шарафиддинов ёзганидек: «Ажаб эмаски, бугун биз Самарқанду Бухорода ёки Хивада бобоқалонларимиз қуриб кетган бинолар билан қандай гурурланаётган бўлсак, бизнинг невараче-вараларимиз ҳам ҳозир биз қураётган иморатларни ҳаммага кўз-кўз қилиб фахрланиб юрсалар!»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов эътироф этганидек: «Хайратомуз ҳол: Тошкент Оврупадаги тараққиёт тоғанга мамлакатлар пойтахтларига ўхшаб кетган! У Шарқ ва Фарб маданиятлари раванқига хизмат қилувчи йирик марказга айланиб бораётган! Бу улуг ўзгаришларнинг Бош архитектори ким? Албатта, Ислам Каримов!»

Ҳақиқатан ҳам Тошкентда бўлаётган улкан ўзгаришлар, улугвор қурилишлар Юртбошимиз диққат-эътиборида турибди. У киши эринмай қурилиш жараёнини бирма-бир бориб кўрадилар ва ўша жойнинг ўзига керакли йўл-йўриқларни, зарур маслаҳатларни берадилар.

Шунингдек, XXI асрга янги қиёфа билан кириб бораётган пойтахт жамолини кун сайин ўзгаришида фидойилик қилаётган шаҳар ва туман раҳбарлари, туну кун жонбозлик кўрсатаётган архитектор ва қурувчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, уларнинг хизматларига тасаннолар айтиб, асло чарчамагн, сизларга эл дуоси мададкор бўлсин, деймиз.

Янги аср арафасидаги Тошкентни ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улугласак, ҳар қанча мактов саҳифалари битсак арзийди. Лекин ўрни келганда жиндай афсус-надомат, жиндай ўкинч билан айтиш мумкинки, ҳамisha ҳам жонажон пойтахтимизни чексиз меҳр-муҳаббат билан севишга, гурур билан қадрлашга, юксак ифтихор билан ардоқлашга ҳарқаламиз етишмаётганлиги билиниб қолади. Тошкентда яшаб унинг пойтахтлик қадр-қимматини чўқур англаб етмаётганлигимиздан баъзан кўнглимиз озор чекади. Масалан, ўзимиз яшаётган уйнинг йўлакларини, атрофини, ҳовлисини тоза тутишга эринамиз. Қўчаларимиз ҳамisha озода бўлиши учун ҳаракат қилмаймиз. Қўлимиздаги патта бўлақлардан тортиб, қанд, печенье қозғоларини, сигарета қоғдиқларини ахлат қутилари турганда тўғри келган жойларга ташлаб кетамиз. Ҳамон жамоат транспортларида юриш қоидаларини, тўғрироғи маданиятини билмаймиз... Хуллас, маданият масаласида андак нўнокроқмиз. Табиатимизда пойтахт билан фахрланиш, пойтахтпарварлик, пойтахтпарастлик туйғуси етишмади. Нега, нима учун шунчалар бепарвоёмиз, беташвиш ва бегадимиз деган оғриқли саволлар ҳамisha диллимизни тирнайдди. Бу иллатлар, табиатимиздаги қоғдиқликлар илош шу асрда қилиб кетишини жуда-жуда истардик.

Ҳар қадамда, ҳар лаҳзада бўлса, улуг мамлакатнинг улуг пойтахтида яшаётганлигимизни ҳис этиб, пойтахт осмонидан нафас олаётганимизни унутмайлик. Унутшга, бепарво ва лоқайд бўлишга асло ҳаққимиз йўқ. Пойтахтда яшаётган одам ҳар жиҳатдан унга муносиб бўлиши шарт!

Пойтахт – Ватанинг юраги. Уни ўз юрагимиздек асраб-авайлашлик, унга эътиҳод қўйлик, уни имон билан севишга, қадрлашга ўрганилайлик.

Фурсатдан фойдаланиб ҳар йили бир марта «Пойтахт кўни» ўтказилса, деган тақдирини ўртага ташламоқчимиз. Масалан, ўтказилмақ кунлардан бирини «Озодалик ва саломатлик кўни», яна бирини «Пойтахт – фаҳрим» деб номлана мақсадага мувофиқ бўлади. Бундай тадбирлар 2001 йили – Оналар ва болалар йилини ҳар томонлама мукамал ўтказишга катта аҳамиятга эга. Шунда қўламаюзлаштириш, тозалаш, ободончилик ишлари бир қадар жонланарди. Пойтахтга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширади, ёшларни Ватанин севишга, унинг пойтахтини қадрлашга, ардоқлашга ўргатади. Шунингдек, ҳар ойнинг бир ақшанбаси «Пийдалар кўни» деб белгиланса. Шу кўни асосан енгил автомашина эгалари кўчаларга пиёда чиқсина. Бу янги тадбир билан пойтахтнинг экологик офатдан асраб қолган бўламиз.

Бу ўз-ўзидан пойтахтнинг жон қадар севиш, қадрлаш ва асраб-авайлаш туйғусини тарбиялайди. Шунда Тошкентни юксак маънавият ва маданият барқарор бўлган шаҳарга айлантирамиз, пойтахтнинг жаҳоншумул макенини ошириб, шўхратини янада юксалтирамиз.

Чунки:

- Бу – менинг Пойтахтим.
- Бу – сенинг Пойтахтиң.
- Бу – бизнинг Пойтахтимыз.
- Бу – мустақил ва оозд миллат Пойтахти!

XXI аср рўпарасидаги Тошкентга термулиб тўймайсиз.

XXI аср бўсағасидаги Тошкентни қуйлаб тўймайсиз.

XXI аср арафасидаги Тошкентни буйлаб тўймайсиз.

XXI аср остонасидаги Тошкентни сўйлаб тўймайсиз.

Тошкентим – Оллоҳ ҳамisha йўлигини ёритиб, толенгини баян қилсин. Янги мингйилликда ҳам тинчлик, барқарорлик, дўстлик, аҳил-иноқлик шаҳри бўлиб қол. Номинг дунё турғунча барқарор бўлиб, обрў-эътиборинг мудом ошиб бораверсин. Ҳеч қачон завол кўрма, ҳар қандай бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин. ўзи меҳрибон ва соябон бўлсин. Келажакнинг порлоқ, нурили ва ёруғ бўлиб, дунёни ҳайратга соладиган гўзалликлар, мўъжизалар билан бойиб боравергин, жонажон – онажон Тошкентимиз!

Ашурали ЖўРАЕВ.

Президент Ислам Каримов Тошкентни қайта қуриб тарихий иш қилаяпти.

Саид АҲМАД, Ўзбекистон Қаҳрамони

Шундай пойтахт шаҳарлар бўладики, улар ўз халқи тараққиётида, миллатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, маънавий ва маданий камолотида энг юксак ва энг шарафли вазибаларни адо этади. Тарих саҳифаларидан маълумки, ўтмишда пойтахтларимиз бўлган – Бухоро ва Самарқанддан сўнг пойтахт макомига эга бўлган Тошкент ана шундай буюк юкни салобат ва шон-шараф билан кўтариб келаётган.

Пойтахтнинг юкни ҳам шарафли, ҳам залворли ва ўта масъулиятли.

Чунки:

- бу юк замирида Ватан ва халқ тақдири ётибди;
- бу юк замирида бугун ва келажакнинг нури уфуриб турибди;
- бу юк замирида тинчлик, тенглик ва ахиллик мажмуаси;
- бу юк замирида Ўзбекистоннинг методик бирлаштириб турувчи томирлар нафас олади.

Тошкент XX асрда ер юзининг энг гўзал, энг мўтабар, энг кўркем, меҳмондўст, тинчликпарвар шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Унинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошди.

Тошкент XXI асрга мустақил мамлакатнинг мустақил пойтахти деган буюк ном билан кириб боради.

Тошкент XXI асрда оозд халқнинг оозд ва обод пойтахти қиёфасида яна ҳам кенгроқ намоян бўлади.

Тошкент XXI асрда ҳам тинчлик, барқарорлик ва турли миллатларни бирлаштирувчи қудратли дўстлик пойтахти бўлиб қолади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакорор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш дийримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоян этадиган Ватан остонасидир».

Бу муборак остонага бундан ўттиз йил муқаддам, яъни 8-сентябрда ўқиб юрганамиз илк бор қадам қўйганман. Ушунда «Аллоҳни ўқувчиларнинг Бухоро вилояти бўйича ташкил қилинган махсус «Саёҳат» поездида ўн беш кун давомида Урта Осиёнинг бир қанча йирик шаҳарлари қаторида Тошкентда ҳам бўлиб, шаҳарнинг кўпгина диққатга сазовор жойларини кўриб хайратга тушганман. Шу-шу Тошкентга ошно бўлдим, унга қаттиқ меҳрим тушиб қолди. Кейинчалик бу меҳр муҳаббатга айланди.

Иккинчи сабаб: қишлоғимизда Ҳамро ака деган мактаб директори «Тошкент оқшом» газетасига обунга эди. Унинг ўғли газетани гоҳ мактабга, гоҳ далага олиб борарди. Газетани навбатда туриб ўқирдик. Азбаройи кўлма-кўл бўлиб кетганидан газета хилвираб, уникиб кетарди. Ўша даврда бу газетанинг шўхрати жуда баланд экан. Марҳум адиб ва журналист Саъдулла Кароматовнинг газетани қизикарли ва ўқинишли қилишига «Ошмакчи» катта экан...

Хуллас, «Тошкентни қайта-қайта ўқиш жараёни ҳам Тошкентга бўлган меҳримизни, иштиёқимизни янада оширган. Газета қадимизга Тошкентнинг бетакорор манзараларини чизган, унинг зиё нуралини сочган, пойтахт руҳини олиб кирган. Газетанинг кучи ҳам шунда эди.

Кейинчалик ўқишга келганимизда ҳам, салкам ўттиз йилдан буён ушбу мўтабар ва муқаддас шаҳарда яшай бошлаганимизда ҳам вужудимизни ҳеч қачон пойтахт руҳи ва масъулияти тарк этган эмас. Бундай бебахор руҳи қадимизга ато этгани учун Оллоҳдан умрбод миннатдоримиз.

Сал нарига борсак ё бироз олислаб кетсак, албатта Тошкентни соғинамиз. Тошкент дарҳод тушларимизга киради. Тошкентнинг меҳри тортади. Бу муқаддас меҳрга бир боғланганлар сўнг ундан абдий узилиб кетолмайди. Тошкент руҳи юракка боғланади, юракдан жой олади.

Бу – табарруқ тўпироқнинг оҳанграбоси бор.

Бу – гўзал заминнинг таърифи, на баҳоси бор.

Бу – муборак маконнинг бир олам маъносини бор...

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шoirи Иброҳим Юсупов Тошкент соғиничини шундай қуйлайди:

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам, Булуларни тинглаб боқса кўрмасам, Чинорларнинг совсида чой ичиб, Дўстлар билан сўхбатлашиб юрмасам, Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам...

Олис қишлоқдан келган меҳмон жўрамиз тўй арафасидаги келинчақдай чиroy очётган, йилдан йил хуснига хусн қўшилаётган Тошкентни кўриб, хайратдан жўшиб шундай деди:

– Сунгги йиллар ичида Тошкентни таниб бўлмай қолди. Ҳаммаёқда қурилиш, ҳаммаёқда янгилик. Равон кўчаларини, кўприкларини айтмайсизми? Сал қолди адашиб кетардим, жўражон. Айниқса, кўчаларнинг номлари гирт ўзбекча бўлганини кўриб, роса қувондим. Буларкан-ку! Биз ўқиган 80-йиллардаги, биз кўрган 90-йиллардаги Тошкент батамом ўзгариб кетибди, жўражон. Мустақилликнинг номидан ўргилди. Тошкентни яшатиб, ёшатириб юборибди. Бу пойтахт эмас, мўъжиза бу!..

Бундай самимий юрак сўзларини мустақиллик меҳри жўшиб турган ватандошларимиздан, меҳмонлардан тез-тез эшитиш мумкин. Кун сайин гўзаллашаётган Тошкент нафақат республикамиз аҳлини, вилоят-

